# ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

248-модда. **Давлат ветеринария назорати органлари**

Давлат ветеринария назорати органлари ушбу Кодекснинг 116-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Давлат ветеринария назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар:

СССР давлат бош ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга эллик сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Ўзбекистон ССР давлат бош ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга ўттиз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар (Тошкент, Нукус шаҳарлари ва область марказлари)нинг давлат бош ветеринария инспекторлари, темир йўл давлат бош ветеринария инспектори гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга йигирма сўмгача миқдорда штраф соладилар;

шаҳарлар, районларнинг давлат ветеринария инспекторлари, чегара контрол ветеринария пунктларининг бошлиқлари, дезинфекциялович станциялари ва пунктларидаги ветеринария назорати бошлиқлари, участка ветеринария шифохоналарининг мудирлари, ветеринария участкаларининг мудирлари, транспорт ветеринария-санитария участкаларининг бошлиқлари, ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияларининг мудирлари гражданларга беш сўмгача ва мансабдор шахсларга ўн сўмгача миқдорда штраф соладилар.

Давлат ветеринария назорати органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган штрафни ўз жойида:

1) ҳайвонлар (шу жумладан парранда ва балиқлар) билан, ҳайвонот маҳсулотлари ва хом ашёси ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун бозорларнинг ўзида;

2) ҳайвонларни (шу жумладан паррандалар, балиқлар ва асаларилари), ҳайвонот маҳсулотлари ва хом ашёсини ташиш ветеринария-санитария қоидаларини, шунингдек чорва молларни ҳайдаб бориш қоидаларини бузганлик учун темир йўл, сув ва ҳаво транспортида, тош ва тупроқ йўлларида, ҳайвонлар ҳайдаб бориладиган трассаларда;

3) СССР территориясини ҳайвонлар (шу жумладан паррандалар, балиқлар ва асаларилар)нинг зарарли касалликларини чет давлатлардан олиб киришдан сақлаш ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун давлат чегарасининг ўзида ундириб олишлари мумкин.

249-модда. **Сув ресурсларини муҳофаза қилиш органлари**

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасидаги сувлардан фойдаланишни тартибга солувчи ва уларни муҳофаза қилувчи органлар ушбу Кодекснинг 53, 64—67-моддаларида (ер ости сувларини ифлослантириш ва булғаш ёки сув тўпланадиган жойларда сув режимини бузиш натижасида шу сувларнинг ифлосланиш ҳоллари бундан мустаснодир) ва 65-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар;

СССР Геология министрлиги системасига қарашли органлар ушбу Кодекснинг 64, 66, 67-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни, башарти унинг натижасида ер ости сувлари ифлосланган ва булғанган ёки сув йиғиладиган жойларда сувни муҳофаза қилиш режими бузилиши натижасида шу сувлар ифлосланган тақдирда, кўриб чиқадилар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар:

СССР сувларидан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни сақлаш бўйича давлат бош инспектори ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР сувлардан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни сақлаш бўйича давлат бош инспектори ва унинг ўринбосарлари, сувлардан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни сақлаш бўйича давлат бош ҳавза (территория) инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари; СССР геология министрининг ер ости сувларини сақлашни контрол қилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари, СССР Геология министрлиги Гидрогеология ишлари бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР геология министрининг ер ости сувларини сақлашни контрол қилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари гражданларга эллик сўмгача ва мансабдор шахсларга юз сўмгача миқдорда штраф солишга ҳақлидирлар;

сувлардан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни сақлаш бўйича давлат катта инспекторлари, СССР Геология министрлиги системаси территориал ишлаб чиқариш геология бирлашмалари (бошқармалари ва трестлари)нинг бошлиқлари гражданларга ўттиз сўмгача ва мансабдор шахсларга эллик сўмгача миқдорда штраф солишга ҳақлидирлар;

сувлардан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни сақлаш бўйича давлат инспекторлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга ҳақлидирлар.

250-модда. **Балиқларни сақлаш органлари**

Балиқларни сақлаш органлари ушбу Кодекснинг 93-моддаси биринчи қисмида (балиқ тутиш ва балиқ запасларини сақлаш қоидаларини бузиш) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Балиқларни сақлаш органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига СССР Балиқчилик хўжалиги министрлиги Главрыбвод бошлиғи ва унинг ўринбосари, балиқ запасларини сақлаш ва тиклаш ҳамда балиқчиликни тартибга солиш ҳавза бошқармасининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, ҳавза бошқармаси балиқларни сақлаш бўлимларининг бошлиқлари, балиқларни сақлаш органларининг катта ва район инспекторлари ҳақлидирлар.

251-модда. **Ўрмон хўжалиги органлари**

Ўрмон хўжалиги органлари ушбу Кодекснинг 84-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Ўрмон хўжалиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар:

СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министри гражданларга эллик сўмгача ва мансабдор шахсларга юз сўмгача штраф солишга;

Қорақалпоғистон АССР, областлар ўрмон хўжалиги органларининг раҳбарлари ва бош ўрмон ходимлари, область давлат ўрмон инспекциялари бошлиқлари гражданларга ўттиз сўмгача ва мансабдор шахсларга саксон сўмгача миқдорда штраф солишга ҳақлидирлар;

Қорақалпоғистон АССР ўрмон хўжалиги органларининг ўрмонларни сақлаш ва муҳофаза қилиш бўлимлари бошлиқлари, ўрмон хўжаликларининг ва бошқа давлат ўрмон хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг раҳбарлари ва бош ўрмон ходимлари гражданларга йигирма сўмгача ва мансабдор шахсларга эллик сўмгача миқдорда штраф солишга ҳақлидирлар.

Қорақалпоғистон АССР ва областлар ўрмон хўжалиги органларининг ўрмонларни сақлаш ва муҳофаза қилиш бўлимларининг катта инженерлари ва инженерлари, ўрмон хўжаликлари ва бошқа давлат ўрмон хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўрмонларни сақлаш ва муҳофаза қилиш катта инженерлари ва инженерлари, ўрмон ходимлари, ўрмон мелиоратив станциялари ишлаб чиқариш участкаларининг бошлиқлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга ҳақлидирлар. Ушбу абзацда кўрсатилган мансабдор шахслар ўз жойида гражданлардан беш сўмгача миқдорда штраф ундириб олишлари мумкин.

252-модда. **Ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органлар**

Ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органлар ушбу Кодекснинг 93-моддасида (ов қилиш қоидаларини бузганлик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига республика (Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР), область ва район ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб бориш органларининг раҳбарлари ҳақлидирлар.

253-модда. **СССР Алоқа министрлиги системаси Давлат электр алоқаси инспекцияси органлари**

СССР Алоқа министрлиги системасига қарашли Давлат электр алоқаси инспекцияси органлари ушбу Кодекснинг 157-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига СССР Алоқа министрлиги Давлат электр алоқаси инспекциясининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги Давлат электр алоқаси инспекциясининг бошлиғи, Қорақалпоғистон АССР Давлат электр алоқаси инспекциясининг бошлиғи ва областлар алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармалари давлат электр алоқаси инспекцияларининг бошлиқлари ҳақлидирлар.

254-модда. **Госсельтехнадзор органлари**

Госсельтехнадзор органлари ушбу Кодекснинг 115-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Госсельтехнадзор органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг қишлоқ хўжалик бошқармалари ҳузуридаги госсельтехнадзорнинг инженер-инспекторлари ҳақлидирлар.

## IV БЎЛИМ

## МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

### 18-БОБ

### АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

255-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вазифалари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонунларга аниқ мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, шу иш юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилишга олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаб билишдан, ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олишдан, гражданларни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашдан, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

256-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органларда (мансабдор шахслар томонидан) маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун Асослари билан, ССР Иттифоқининг қонун актлари, СССР Министрлар Советининг қарорлари, ушбу Кодекс билан, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актлари ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари билан белгиланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни халқ судларида кўриб чиқиш тартиби ССР Иттифоқининг қонун актлари, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актлари билан белгиланади.

257-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишни истисно этувчи ҳолатлар**

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин эмас, бошланган иш эса тўхтатилиши лозим:

1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати ва состави йўқ бўлса;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган шахс шундай ҳуқуқбузарликни содир этган пайтда ҳали ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;

3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилган шахс ғайришуурий ҳолатда бўлса;

4) шахс жуда зарур бўлган ҳолатда ёки зарурий мудофаа ҳолатида ҳаракат қилган бўлса;

5) амнистия акти чиқарилиб, унга биноан маъмурий жазо чораси қўлланиш бекор қилинган бўлса;

6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи акт бекор қилинган бўлса;

7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу Кодекснинг 38-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;

8) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо бериш тўғрисида компетентли орган (мансабдор шахс) томонидан қарор чиқарилган бўлса ёхуд материаллар мазкур иш юзасидан маъмурий жазо бериш ҳуқуқига эга бўлган орган (мансабдор шахс) томонидан ўртоқлик судига топширилиб, шу ўртоқлик судининг чиқарган ҳал қилув қарори бекор қилинмаган бўлса ёинки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тўхтатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноий иши қўзғатилган бўлса;

9) ишини кўриб чиқиш бошланган пайтда шу шахс вафот этган бўлса.

258-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида кўриб чиқиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш барча гражданларнинг келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволи, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга бўлган муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан, яшаш жойи ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи орган олдида тенг ҳуқуқлилиги асосида қараб чиқилади.

259-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиладиган тил**

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса, унга ўз она тилида изоҳот бериш, шунингдек ишга оид барча материаллар билан танишиб чиқиш пайтида ва ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш чоғида таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

260-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг очиқ кўрилиши**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очиқ кўрилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва профилактик ролини ошириш мақсадида бундай ишлар бевосита меҳнат коллективларида, ҳуқуқбузарнинг ўқиб ёки ишлаб турган жойида кўрилиши мумкин.

261-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати**

СССР Прокуратураси тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ, прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назорат олиб борган вақтда: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш; ишга оид материаллар билан танишиб чиқиш; иш юритиш вақтида тегишли органлар (мансабдор шахслар) қилган ҳаракатларнинг қонунийлигини текшириш; ишни кўриб чиқишда қатнашиш; илтимос қўзғатиш; ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида хулосалар бериш; маъмурий ҳуқуқбузарлик қилганлик учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланган - қўлланмаганлигини текшириш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ва шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест билдириш; чиқарилган қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш; шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни қилиш ҳуқуқига эгадир.

262-модда. **Далиллар**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай ҳақиқий маълумотлардан иборат бўлиб, шу маълумотларга асосланиб, тегишли органлар (мансабдор шахслар) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз бергани ёки юз бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайдилар.

Шу маълумотлар қуйидаги воситалар билан: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протокол билан, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари билан, жабрдийда, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан, экспертнинг хулосаси билан, ашёвий далиллар билан, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида тузилган протокол билан, шунингдек бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

263-модда. **Далилларга баҳо бериш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатини кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) далилларга баҳо беришда қонунга ва социалистик ҳуқуқни англашга амал қилган ҳолда ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама тўла-тўкис ва объектив равишда жамлаб текшириб чиқиш асосида ўз ички эътиқоди бўйича иш тутади.

264-модда. **Материалларни прокурорга, дастлабки тергов ёки суриштирув органига топшириш**

Ишни кўриб чиқиш чоғида орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, бу ҳолда у материалларни прокурорга, дастлабки тергов ёки суриштирув органига топширади.

### 19-БОБ

### МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДА ПРОТОКОЛ ТУЗИШ

265-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида протокол тузиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинганлиги тўғрисида ваколатли мансабдор шахс ёки жамоат ташкилотининг ёхуд ташаббускор жамоат органининг вакили томонидан протокол тузилади. Ушбу Кодекснинг 268-моддасида назарда тутилган ҳолларда протокол тузилмайди.

266-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузилган протоколнинг мазмуни**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколда: шу протоколнинг тузилган вақти ва жойи, протокол тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик қилинган жой, вақт ва унинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик қилинганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив акт; агарда гувоҳлар ва жабрдийдалар бўлса, уларнинг фамилияси, адреси; ҳуқуқбузарлик изоҳоти; ишни кўриб ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Протокол уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрдийдалар мавжуд бўлганда эса, протоколга шу шахслар ҳам имзо чекишлари мумкин.

Ҳуқуқбузарлик қилган шахс протоколни имзолашдан бош тортган тақдирда, протоколга шу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик қилган шахс протоколнинг мазмуни юзасидан ўз изоҳот ва мулоҳазаларини беришга ҳақли бўлиб, булар шу протоколга илова қилинади, шунингдек у протоколни имзолашдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳам ҳақлидир.

Протоколни тузиш вақтида ҳуқуқбузарга ушбу Кодекснинг 278-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу ҳақда протоколга белгилаб қўйилади.

267-модда. **Протоколни жўнатиш**

Протокол маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга вакил қилинган органга (мансабдор шахсга) юборилади.

268-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида протокол тузилмайдиган ҳоллар**

Ушбу Кодекснинг 47-моддасида, 84-моддасида (агар штраф миқдори беш сўмдан ошмаса), 116-моддасида (248-модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда), 120, 124, 126, 128, 129-моддаларида, 135-моддаси учинчи қисмида, 140-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида, 145—147-моддаларида, шунингдек 130-моддасида, 131-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 132-моддаси биринчи қисмида (СССР Қуролли Кучлари транспорт воситалари ҳайдовчилари бўлмиш ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий мажбурлар содир этган ҳолларда) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик қилинган тақдирда протокол тузилмайди. Қонунларга мувофиқ штраф солинадиган ва ундириб олинадиган ҳолларда ҳам протокол тузилмайди, огоҳлантириш эса ҳуқуқбузарлик қилинган жойда расмийлаштирилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилгани учун унга бериладиган жазога рози бўлмаса у ҳолда ушбу Кодекснинг 265-моддасига мувофиқ протокол тузилади.

269-модда. **Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида протокол тузиш мақсадида, башарти протокол тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, ҳуқуқбузар милиция ходими ёки халқ дружиначиси томонидан милицияга ёхуд кўнгилли халқ дружинаси штабига олиб келиниши мумкин.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари, ҳаракат тартибини ва хавфсизлигини сақлаш қоидалари, транспортда юкларни бут сақлашни таъминлаш борасидаги қоидалар, транспортда ёнғинга қарши кураш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши санитария қоидалари бузилган тақдирда ҳуқуқбузар, агарда унинг кимлигини исботлаб кўрсатувчи ҳужжатлари бўлмаса ва унинг ҳақидаги зарур маълумотларни бериши мумкин бўлган гувоҳлар йўқ бўлса, ваколатли шахс томонидан милицияга олиб келиниши мумкин.

Ўрмон қоидалари ёки ов қилиш қоидалари, балиқ тутиш ва балиқ запасларини сақлаш қоидалари ҳамда ҳайвонот дунёсини сақлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги бошқа қонунлар бузилган тақдирда протокол тузиш мақсадида, башарти ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқ бузилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўрмон соқчилиги давлат ва идора ходимлари, колхоз ўрмонларида эса — колхозлар ёки колхозлараро ўрмон хўжаликларининг ходимлари, ов қилиш қоидаларига риоя қилиниши устидан давлат назорати олиб борувчи органларнинг, балиқларни муҳофаза қилиш органларининг махсус вакил қилинган мансабдор шахслари, ҳайвонот дунёсини сақлаш ва ундан фойдаланиш устидан давлат ва идора контроли олиб борувчи бошқа органларнинг мансабдор шахслари, қўриқхоналар ва махсус қўриқланадиган бошқа территорияларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, милиция ходимлари ана шундай ҳуқуқбузарлик қилган шахсларни милицияга ёки халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Совети ижроия комитетининг биносига олиб келишлари мумкин. Ҳуқуқбузарни халқ дружиначилари, табиатни қўриқловчи жамоат инспекторлари, жамоатчилик асосида иш кўрувчи овчилик инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш органларининг жамоат инспекторлари ва жамоатчилик асосида ишловчи ўрмон инспекторлари ҳам олиб келишлари мумкин.

Қўриқланадиган объектларга, бошқа хил давлат ёки жамоат мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир қилинган тақдирда ҳуқуқбузар ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳаракатига барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида протокол тузиш учун ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки милицияга олиб келиниши мумкин.

Ҳуқуқбузарни олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.

Олиб келинган шахс кўнгилли халқ дружинаси штабида бир соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

### 20-БОБ

### МАЪМУРИЙ ЙЎЛ БИЛАН УШЛАБ ТУРИШ, АШЁЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ, АШЁЛАР ҲАМДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ

270-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишни таъминлаш чоралари**

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонун актларида бевосита кўзда тутилган ҳолларда, бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида протокол тузиш (бордию, протокол тузиш зарур бўлиб, шундай ҳуқуқбузарлик қилинган жойнинг ўзида уни тузиш имкони бўлмаган бўлса), ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахс маъмурий йўл билан ушлаб турилиши, шахсий қўриқдан ўтказилиши, унинг ашёлари кўздан кечирилиши ва ашё ҳамда ҳужжатлари олиб қўйилиши мумкин.

Ушбу моддада кўзда тутилган мақсадларда шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсий кўрикдан ўтказиш, унинг ашёларини кўздан кечириш ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйиш тартиби ССР Иттифоқи қонунлари билан, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунлари билан белгиланади.

271-модда. **Маъмурий йўл билан ушлаб туриш**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида протокол тузилиб, унда қуйидагилар кўрсатилади: протоколнинг тузилган вақти ва жойи, протокол тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар, қачондан бери ушлаб турилган вақти, жойи ва унинг асослари. Протокол уни тузган мансабдор шахс томонидан ҳамда ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс протоколни имзолашдан бош тортган тақдирда, протоколга шу ҳақда ёзиб қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик қилгани учун ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилганлиги ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

272-модда. **Маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли бўлган органлар (мансабдор шахслар)**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган шахс ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан ваколат бериб қўйилган органлар (мансабдор шахслар) томонидангина маъмурий йўл билан ушлаб турилиши мумкин, чунончи:

1) майда безорилик қилинган, милиция ходими ёки халқ дружиначисининг қонуний фармойиши ёки талабига қасддан бўйсунмаган, чет эл валютаси ва тўлов ҳужжатлари билан ғайриқонуний равишда операция ўтказган, майда спекуляция қилган ҳолларда, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичган ёки жамоат жойларида маст ҳолда юриб, инсоний қадр-қимматни ёки ижтимоий ахлоқни ҳақорат қилган тақдирда, йўл ҳаракати қоидалари, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ запасларини муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ҳамда ҳайвонот дунёсини сақлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар бошқача тарзда бузилган тақдирда, шунингдек ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонун актларида бевосита кўзда тутилган бошқа ҳолларда — ички ишлар органлари томонидан;

2) чегара режими ёки СССР давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги режим бузилган тақдирда — чегара қўшинлари томонидан;

3) қўриқланадиган объектларга бошқа хил давлат ёки жамоат мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — қўриқланадиган шу объект жойлашган ердаги ҳарбий соқчиликнинг катта мансабдор шахси томонидан;

4) СССР Қуролли Кучлари транспорт воситаларини ҳайдовчилар ёки бошқарувчи бошқа шахслар йўл ҳаракати қоидаларини бузганлари тақдирда — ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан.

273-модда. **Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, алоҳида зарурлиги муносабати билан СССР қонун актларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланган ҳоллардан ташқари, уч соатдан ортиққа чўзилиши мумкин эмас.

Чегара режимини ёки СССР давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги режимни бузган шахслар протокол тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ишнинг ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда — уч суткагача ушлаб турилиши мумкин, лекин бунда ушлаб туриш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълумот бериб қўйилади ёхуд ҳуқуқбузарларнинг шахсини кўрсатувчи ҳужжатлари бўлмаса, прокурорнинг рухсати билан у ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Майда безорилик қилган шахслар уларнинг иши халқ судьяси ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни протокол тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар хусусида эса, — улар ҳушёр тортган вақтдан бошланади.

274-модда. **Шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш**

Шахсий кўрикдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, граждан авиацияси органларининг, таможня муассасалари ва чегара қўшинларининг мансабдор шахслари томонидан, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонун актларида бевосита кўзда тутилган ҳолларда эса — тегишли ваколат берилган бошқа органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсий кўрикдан ўтказиш кўрикдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган ваколатли шахс томонидан ва бир жинсдаги иккита холис киши иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни кўздан кечириб чиқиш ички ишлар, ҳарбийлашган соқчилик органларининг, таможня муассасаларининг, чегара қўшинларининг тегишли ваколат берилган мансабдор шахслари томонидан, ўрмон соқчилиги органлари, балиқларни муҳофаза қилиш органлари, ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органларнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан бажарилади, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонун актларида бевосита назарда тутилган ҳолларда ваколатли бўлган бошқа органларнинг мансабдор шахслари томонидан ҳам амалга оширилади.

Ашёларни, қўл юкларини, багажларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, ов маҳсулотларини ва бошқа буюмларни кўздан кечириш одатда шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур ашёлар, буюмлар уларнинг эгаси бўлмаган тақдирда, иккита холис киши иштирокида ҳам кўздан кечириб чиқилиши мумкин.

Шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида протокол тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколга ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги протоколга тегишинча ёзиб қўйилади.

Таможня муассасаларида шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш СССР Таможня кодекси билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

275-модда. **Ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш**

Ҳуқуқбузарлик содир қилиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита ҳуқуқбузарлик объекти бўлган, ҳуқуқбузарни ушлаш, шахсий кўрикдан ўтказиш ёки ашёларни кўздан кечириш вақтида аниқланган ашё ва ҳужжатлар ушбу Кодекснинг 272 ва 274-моддаларида назарда тутилган органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгиланадиган жойларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар сақланади, иш кўриб бўлингач, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса — сотиб юборилади.

Орден, медаль, СССР, Ўзбекистон ССР ёки Қорақалпоғистон АССР фахрий унвонининг кўкракка тақиладиган белгиси олиб қўйилганида улар қонуний эгасига қайтариб берилади. Қонуний эгаси номаълум бўлган тақдирда — тегишли бўлишига қараб, СССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига ёки Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига юборилади.

Контрабанда буюмлари ушлаб қолинган тақдирда, контрабанда содир қилган шахс СССРда доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, штраф ундирилишини таъминлаш мақсадида унинг ашёлари (қимматли буюмлари) олиб қўйилиши мумкин.

Ашё ва ҳужжатлар олиб қўйилган тақдирда протокол тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколга ёхуд ашёларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги протоколларга тегишинча ёзиб қўйилади.

Қилинган ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодексга мувофиқ транспорт воситасини, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзида маъмурий жазо берилиши мумкин бўлса, у ҳолда ҳуқуқбузардан унинг иши кўриб чиқилгунга қадар транспорт воситасини, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протоколга, шунингдек ҳайдовчи талонига, кемани бошқариш гувоҳномасига тегишли ёзув ёзиб қўйилиб, кейин улар ҳайдовчига, кема ҳайдовчига қайтариб берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш СССР Ички ишлар министрлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш эса — Ўзбекистон ССР Кичик ҳажмли кемалар бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Ушбу Кодекснинг 178, 195-моддаларида, 196-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари, 197 ва 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, милиция ходимлари иш кўриб чиқилгунга қадар ўқотар қуролни, шунингдек ўқ-дориларни олиб қўйишга ҳақлидирлар, бу хусусда мазкур қуролларнинг марка ёки моделлари, калибри, серияси ва номери, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда протоколга тегишли ёзув ёзиб қўйилади. Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик қилган шахс хусусида унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларини кўздан кечириб чиқиш жуда зарур бўлган ҳоллардагина бажарилади.

276-модда. **Транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш**

Маст деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган транспорт воситаларининг бошқарувчилари ёки бошқа шахслар транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва белгиланган тартибда мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказилиши керак.

Мазкур шахсларнинг мастлик ҳолатини аниқлаш учун уларни текширишга юбориш ва текширувдан ўтказиш СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва СССР Юстиция министрлиги белгилаб қўядиган тартибда амалга оширилади.

(Давоми. Боши газетанинг 24-25 декабрь сонларида).

(Давоми 3-, 4-бетларда).

